



**THE IMPORTANCE OF THE LEVEL OF LEGAL
CONSCIOUSNESS AND LEGAL CULTURE IN THE
ESTABLISHMENT OF A RULE-OF-LAW STATE**

Shoyadbekov Shakhbozbek Shukhratbek ogli

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15310552>

ARTICLE INFO

Received: 24th April 2025

Accepted: 29th April 2025

Online: 30th April 2025

KEYWORDS

Legal consciousness, legal culture, legal education, social consciousness, offense, legal literacy.

ABSTRACT

This article explores the role of legal consciousness and legal culture in the construction of a rule-of-law state, the ways to develop them, and the mechanisms for shaping legal awareness in society. It also analyzes the scientific and theoretical views of legal scholars and the legislation of the Republic of Uzbekistan in this regard.

**ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИ ЯРАТИШДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ
МАДАНИЯТ ДАРАЖАСИНИНГ АҲАМИЯТИ**

Шоядбеков Шахбозбек Шухратбек ўғли

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15310552>

ARTICLE INFO

Received: 24th April 2025

Accepted: 29th April 2025

Online: 30th April 2025

KEYWORDS

Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тарбия, ижтимоий онг, ҳуқуқбузарлик ва ҳуқуқий саводхонлик.

ABSTRACT

Ушбу мақолада ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг ҳуқуқий давлат қурилишидаги роли, уларни ривожлантириш йўллари ва жамиятда ҳуқуқий онгни шакллантириш механизмлари, шу жумладан, ҳуқуқшунос олимларнинг илмий-назарий қарашлари ва бу борадаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги таҳлил қилинади.

Ҳар бир жамиятнинг барқарорлиги ва ривожланиши, шу жумладан ҳуқуқий давлатнинг яратилиши унинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражаси билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Яъники, ҳуқуқий давлатни барпо этиш нафақат қонун устуворлигини таъминлаш билангина чегараланмасдан, балки жамиятнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш билан ҳам амалга оширилади.

Таъкидлаш керакки, ҳуқуқшунос олимлар ҳам айнан ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти ҳақида илмий-назарий қарашларни илгари суриши бежиз эмас. Хусусан, Н.Сабуров, М.Нажимовлар ўз асарларида ҳуқуқий онгни ижтимоий онгнинг шаклларида бири эканлигини, кишиларда ҳуқуққа, қонунчиликка, ҳуқуқ-тартиботга



ва бошқа ҳуқуқий ҳодисаларга нисбатан бўлган ғоялар, ҳис туйғулар, тасаввурлар йиғиндиси эканлигини¹ таъкидлайдилар.

Ҳуқуқий онг таркибига тўртта баҳолаш билан боғлиқ муносабат киради. Булар - ҳуқуқ ва қонун ҳужжатлари (унинг принциплари, шакллари, институтлари)га нисбатан; атрофдагиларнинг ҳуқуқий хатти-ҳаракати (масалан, жиноятчилик, давлат ҳокимияти тузилмаларининг ўзаро муносабатлари хусусияти)га нисбатан; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва уларнинг фаолиятига нисбатан; ўзининг ҳуқуқий хатти-ҳаракатига нисбатан муносабатдир².

Ҳуқуқий онгни ўрганар эканмиз, аввало, ижтимоий онгнинг ўзи нима эканлигини тушунишимиз лозим. Жамият аъзоларининг ижтимоий воқеликка, жамиятнинг турли жараёнлари ва муносабатларига бўлган қарашлари, фикрлари, ғоялари ва ҳис-туйғуларининг йиғиндисини ижтимоий онг деб фикр юритишимиз мумкин. Демакки, биз ҳуқуқий онгни ижтимоий онгнинг бир шакли сифатида ижтимоий муносабатлардаги ҳуқуқий ҳодисалар ҳақидаги шахсларнинг умумий билими деб ҳисоблашимиз мумкин.

Бу борада, атоқли ҳуқуқшунос олимларимиздан бири Х.Т.Одилқориев ҳам куйидагича таъриф беради: “**ҳуқуқий онг** деганда, кишиларнинг ҳуқуқ ҳақида тушунча ва билимларга эга бўлиши, шунингдек ҳуқуқ борасидаги тасаввурларнинг инсон онгида акс этиши тушунилади³”. У ўз фикрини баён этар экан ҳуқуқий онг онгнинг ягона шакли эмаслигини ва ҳаётнинг соҳалари ғоят хилма-хил бўлиб, уларнинг ҳар бири жамият ижтимоий онгида диний, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий ва бошқа аниқ шаклларда намоён бўлишини асослаб беради.

Шунингдек, яна бир олимлардан бири Ш.Сайдуллаев ҳуқуқий онгни ижтимоий онгнинг бошқа соҳалари (сиёсий, ахлоқий, эстетик ва бошқалар)га нисбатан ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, ҳуқуқий онг инсонларнинг ижтимоий ҳаётнинг юридик аҳамиятли ҳодисалар(амалдаги қонунчилик, юридик амалиёт, инсонлар ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари)га оид баҳоловчи руҳий муносабатини ифодаловчи ҳуқуқий тасаввурлари, қарашлари, ғоялари, ҳислари, ҳаяжонлари мажмуи сифатида намоён бўлишини таъкидлаган⁴.

Демак, биз ҳуқуқий онгга оид илмий қарашлар таҳлилидан уни кишиларнинг ҳуқуққа, қонунчиликка, ҳуқуқ-тартиботга ва бошқа ҳуқуқий ҳодисаларга нисбатан бўлган ғоялар, ҳис туйғулар, тасаввурлар йиғиндиси яъни билим даражаси эканлигини тушунишимиз мумкин. Жумладан, бир шахснинг қонунчиликда белгиланган қоидаларни (масалан: *бошқа шахсни ҳақорат қилиш ёки самосуд қилишга нисбатан қонуний жавобгарликлар мавжудлигини*) билиши, унинг ҳуқуқий онги даражаси ҳисобланади.

Жамиятда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, қонун устуворлигини таъминлаш, шу жумладан, ҳуқуққа нисбатан ҳурматда бўлишни ташкил этишда ҳуқуқий онг билан

¹ Сабуров Н., Нажимов М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2009. – 150 б.

² Гранат Н.И. Правосознание и правовая культура. // Теория права и государства. Учебник (Под ред. проф. В.В. Лазарева). - М., - 1996. С. 180-181.

³ Одилқориев Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. – Тошкент. «Адолат», 2018. – 528 б/276-бет

⁴ Ш.А. Сайдуллаев Давлат ва ҳуқуқ назарияси: дарслик. - Тошкент: ТДЮУ, 2021. – 248/109 бет.



биргаликда ҳуқуқий маданиятнинг даражаси ҳам юқори ҳисобланади. Зеро қанчалар ҳуқуқий онг баланд бўлмасин кишида ҳуқуқий маданият мавжуд бўлмаса, у томонидан қонунбузилиши ҳолатлари амалга оширилавериши мумкин.

Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунлар талабини англаб, уларга амал қилиш ҳамда қонунларга ҳурмат билан ёндашиш каби жараёнлар бевосита кишиларнинг ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир.

Бошқача айтганда, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва ижтимоий муносабатларнинг барқарорлигини сақлаш учун ҳар бир шахс қонунларни тўғри тушуниши, ҳуқуқий нормаларга риоя қилиши ва уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиши зарур. Бу жараёнларда ҳуқуқий маданият инсоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаши ҳамда уларни ижтимоий ҳаётда амалга ошириши учун асосий пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқий маданият деганда, жамиятнинг қонунчилик даражаси, мавжуд қонунлардан аҳолининг хабардорлик даражаси, фуқароларнинг, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ нормаларига риоя қилиши ва уларни бажармаган шахсларга нисбатан муросасиз бўлиши тушунилади⁵.

Шунингдек, аксарият олимлар фикрича, **ҳуқуқий маданиятнинг мазмунини** ҳуқуқни билиш, ҳуқуққа муносабат, ҳуқуққа риоя қилишга одатланиш, ҳуқуқий фаоллик ташкил этади⁶.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий маданият ҳуқуқий онг билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у шахснинг ҳуқуққа бўлган онгли муносабати ҳисобланади. Яъни, биз ҳуқуқий онгни кишининг умумий ҳуқуқий билимлари деб ҳисобласак, давлат томонидан белгиланган ҳуқуқ нормаларига (яъни ҳуқуқий онгга) риоя қилишни эса ҳуқуқий маданият деб тушунишимиз мумкин.

Масалан, А исмли шахснинг Д исмли шахни ҳақорат қилишига нисбатан жавобгарлик белгиланганлигини билмаган, ёхуд англамаган бўлса, бу унинг ҳуқуқий онги бу борада паст даражада эканлигини англатади. Шу билан биргаликда, Д исмли шахс томонидан ушбу ҳуқуқий низони “очиқчасига” (қонундан ташқарида) ҳал қилишга қарор қилингани эса, унда ҳуқуқий маданият тўла шаклланмаганини билдиради.

Ушбу вазиятдан ҳам тушуниш қийин эмаски, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳуқуқий давлатни яратишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ана шунинг учун, ҳуқуқий давлатчилик сари сиёсат олиб борувчи давлатлар бунга алоҳида эътибор қиладилар. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам ана шундай чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимиз “ҳуқуқий давлат” эканлиги тўғрисида қатъий ўзгармас қоида белгиланган⁷.

Бу борадаги давлат сиёсатини ўрганар эканмиз, мустақилликнинг дастлабки вақтлариданоқ ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш учун бир қатор ислохотлар амалга ошириб келинаётганлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон

⁵ Одилқориев Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. – Тошкент. «Адолат», 2018. – 528 б/286-бет

⁶ Сабуров Н., Нажимов М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2009. – 150/63 б.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 01.05.2023 йил. 1 ва 154-моддалари.



Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 август 466-I-сон қарори билан “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури”нинг ишлаб чиқилиши ва унда ҳуқуқий таълимнинг мақсади ҳар бир кишига амалий фаолиятда зарур бўладиган ҳуқуқий билимларни белгиланган давлат стандартларидан кам бўлмаган ҳажмда олиш имкониятини беришдан иборат эканлиги алоҳида эътирофга сазовордир⁸. Бу каби давлатнинг бошқаруви позицияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон Фармони билан қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепсияси”⁹, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 13 мартдаги 134-сон қарорга илова “Давлат ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини ошириш ва баҳолаш тартиби тўғрисида Низом”¹⁰ ва Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 майдаги 259-сон қарорига илова “2022-2023 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича Чора-тадбирлар дастури”¹¹ каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топиб келмоқда.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш доимий равишда долзарб вазифа ҳисобланади, чунки ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражаси юқори бўлган жамиятда қонун устуворлиги таъминланади, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини онгли равишда англайдилар. Замонавий таҳдидлар ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳуқуқий маданиятни ошириш учун янги механизмлар ва инновацион ёндашувларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Шунинг учун ҳуқуқий таълимни кучайтириш, ҳуқуқий тарғиботни замонавий усулларда олиб бориш ва ҳуқуқий онгни оширишга қаратилган интерактив ёндашувларни жорий этиш ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Бинобарин, ҳуқуқий телекўрсатувлар жамиятда ҳуқуқий маданиятни оширишнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Улар орқали фуқаролар қонунчиликдаги ўзгаришлар, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш усуллари ҳақида тушунчага эга бўладилар. Бундай кўрсатувлар ҳуқуқий саводхонликни ошириш билан бирга, жамиятда қонунийлик ва адолатга бўлган ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунингдек, интерактив форматдаги ҳуқуқий дастурлар томошабинларга турли ҳуқуқий масалалар юзасидан маслаҳат олиш, мутахассислар билан бевосита мулоқот қилиш имкониятини тақдим этади, бу эса ҳуқуқий онгни ривожлантиришда самарали усуллардан бири ҳисобланади.

References:

1. Сабуров Н., Нажимов М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2009. – 150 б.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 август 466-I-сон қарори билан “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури”Фуқароларнинг ҳуқуқий таълими ва ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштириш. 2-хатбоши

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон Фармони билан қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепсияси”.

¹⁰ Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 13 мартдаги 134-сон қарорга илова “Давлат ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини ошириш ва баҳолаш тартиби тўғрисида Низом

¹¹ Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 майдаги 259-сон қарорига илова “2022-2023 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича Чора-тадбирлар дастури



2. Гранат Н.И. Правосознание и правовая культура. // Теория права и государства. Учебник (Под ред. проф. В.В. Лазарева). - М., - 1996. С. 180-181.
3. Одилқориев Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. – Тошкент. «Адолат», 2018. – 528 б/276-бет
4. Ш.А. Сайдуллаев Давлат ва ҳуқуқ назарияси: дарслик. - Тошкент: ТДЮУ, 2021. – 248/109 бет.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 01.05.2023 йил. 1 ва 154-моддалари.
6. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 01.04.1995 йил.41-модда.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 22.09.1994 йил. 140-модда 2-қисм.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 август 466-I-сон қарори билан “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури” Фуқароларнинг ҳуқуқий таълими ва ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштириш. 2-хатбоши
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон Фармони билан қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепсияси”.
10. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 13 мартдаги 134-сон қарорга илова “Давлат ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини ошириш ва баҳолаш тартиби тўғрисида Низом
11. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 майдаги 259-сон қарорига илова “2022-2023 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича Чора-тадбирлар дастури